O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 1 апрель, № 63 (3608) Жума

МАҚСАДИМИЗ — ФЕРМЕРЛАРГА КЎМАК БЕРИШ

Бугун республикамизда 85,5 минг фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Айнан улар ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалик экинларини етиштирадиган асосий ишлаб чиқарувчиларга айланди. Бу борада қабул қилинган Дастурда 2005-2007 йилларда 1100 та, жумладан, бу йил 406 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиб, фермер хўжаликларига айлантириш белгиланган.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини янада кенгайтиришни иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг энг устувор вазифалари сифатида алоҳида таъкидлади.

Фермерлар фаолиятининг равнақига ёрдам кўрсатиш, мададкор бўлиш — иқтисодиётимизнинг янада юксалишини таъминлашга хизмат қилади.

Одамийлик

Хатирчи туманидаги "Истиқлолнинг 10 йиллиги" фермер хўжалиги раҳбари Баҳром Эшниёзов "Ташаббус — 2005" танловининг Навоий вилояти босқичи ғолиби бўлди.

МАҲАЛЛА ҲОМИЙСИ

Бунинг боиси — эришаётган ютуқларида. Ўтган йилни қарийб 50 миллион сўм даромад билан якунлаган фермер хўжалигида қорамоллар боши 300, қўй-эчкилар сони эса 500 га етди. Ҳар куни 1000 литргача сут соғиб олинмоқда. 18 тонна гўшт тайёрланди.

Фермер даромади ҳисобидан "Чечакота" маҳалла фуқаролар йиғинига янги бино қуриб берди. Кам таъминланган оилаларга 15 бош бузоқ ҳадя этди. Хирмон кўтарилганда эҳтиёжманд оилаларга ўн тоннагача буғдойни бепул тарқатиш эса хўжалик анъанасига айланган.

Хайрли ишларда фаол фермер хўжалиги 140 гектар майдонда пахта, ғалла ва озуқабоп экинлар етиштиради. Яқинда Ўртачўл массивидан қўшимча 300 гектар ер олди. Бу эса чорвачиликни янада кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Демак, хайрли ишлар кўлами ҳам янада кенгаяди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

«Ташаббус — 2005» :

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" саройи ўзгача манзара касб этди. Бу ерга мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан тадбиркор, фермер, ҳунармандларнинг илғор вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2005» кўрик-танловининг якуний босқичида беллашиш учун тўпландилар.

Таъкидлаш жоизки, 9 йилдан буён ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловидан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий тармоқнинг улушини ошириш, шунингдек, бу борадаги илғор тажрибаларни оммавийлаштиришдир.

Кўрик-танлов ғолиблари, биласиз, учта асосий йўналиш — "Энг яхши тадбиркор", "Энг яхши фермер" ва "Энг яхши ҳунарманд" йўналишлари бўйича аниқланади. Шу билан бирга, мамлакат иқтисодиёти ривожига сезиларли ҳисса қўшган тадбиркорлар ҳам қўшимча номинациялар бўйича рағбатлантирувчи мукофотлар соҳиби бўладилар.

Булардан ташқари, "Энг яхши тадбиркор аёл","Энг ёш тадбиркор"," Энг яхши маҳсулот экспорти учун", "Энг самарали лойиҳа", "Замонавий технологиялар жорий этилгани учун", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши маҳсулот учун", "Соғлиқни сақлашни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун", "Болалар спортини ривожлантиришга ҳисса қўшган тадбиркор" номинациялари бўйича қўшимча мукофотлар ҳам жорий этилган.

Ана шу мукофотларга бевосита кўрик-танлов иштирокчилари муяссар бўлсалар, хусусий тармоқ ҳаётини изчил ёритаётган қалам соҳиблари "Энг яхши журналист", "Энг яхши тележурналист", шунингдек, тадбиркорлик йўналишида кадрларни ўқитаётган ва қайта тайёрлаётган мураббийлар "Бизнес таълимот учун энг яхши ўқитувчи" номинациясининг ғолибига айланадилар.

Тадбир ташкилотчиларининг билдиришича, бу йилги кўрик-танловга "Менинг юртим — менинг ифтихорим", "Талабалар томонидан татбиқ этилган энг яхши лойиҳа", "Тадбиркорга кўрсатилган сифатли хизматлар учун", "Энг яхши молиявий муассаса" каби янги номинациялар бўйича ҳам мукофотлар таъсис этилган.

Айни чоғда мамлакатимиз хусусий тармоғи ривожига ҳисса қўшган ҳомийлар "Энг яхши инвестор", кичик бизнес субъектига техник ёрдам кўрсатиш учун инвестицион лойиҳа ишлаб чиқиб, уни амалга оширган хорижий корхона эса "Энг яхши техник ёрдам лойиҳаси" номинацияси бўйича ғолиб бўлади.

Кўрик-танлов иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган ранг-баранг маҳсулотлар стендлардаги маълумотларни ўқиб, кишининг завқи ошади. Мисол учун, Денов туманидаги "Баҳриддин" фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиб, қайта ишланади. Жумладан, 2004 йилда 382 миллион 250 минг сўмлик маҳсулот сотилди. Шундан 130 миллион 278 минг сўми — соф фойда. Кўрсатилган ҳомийлик ёрдамлари ҳам айтишга арзигулик.

(Давоми 2-бетда).

ЁНИЛҒИ ТАЪМИНОТИ ЯНАДА ЯХШИЛАНМОҚДА

Қарор ва ижро

Кунлар исиб, дов-дарахтлар барг ёзаётган шу кунларда деҳқону миришкорларнинг иши қизғин паллага кирмоқда. Ғаллани ўғитлаш, суғориш, бегона ўтлардан тозалаш, боғ-токзорларни очиш, чигит экиш ишлари авж олмоқда.

Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир мамлакатимизда қарийб 120 минг фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароит, жумладан, фермер хўжаликларига комплекс хизмат кўрсатадиган инфратузилма объектлари бунёд этилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги "2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида фермерларга хизмат кўрсатувчи сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, мукобил МТП, мини-банк, ёнилғи-мойлаш, минерал ўғит маҳсулотлари сотиш шохобчаларини ташкил этиш билан боғлиқ вазифалар аниқ белгилаб берилган. Жумладан, "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси зиммасига қисқа вақт ичида 800 га яқин ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сотиш шохобчасини ишга тушириш вазифаси юкланилган.

— Ҳозир фермер хўжаликларига ёнилғи-мойлаш материалларини сотадиган 300 дан зиёд шохобчада қурилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда, — деди "Ўзнефтмаҳсулот" компанияси минтақавий бўлими бошлиғи Бурҳон Каримов ЎзА мухбирига. — Ҳукуматимиз қарорида белгиланган режага мувофиқ, апрель ойининг бошида 98 та янги шохобча фойдаланишга топширилади. Қолганлари май-июнь ойлари давомида босқичма-босқич ишга туширилади.

Айни вақтда тегишли ҳудудлардаги фермер хўжаликларининг экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиши учун зарур бўладиган ёнилғи-мойлаш материалларини уларнинг даласига етказиб бериш чоралари кўрилмоқда.

Шохобчаларнинг аксарияти собиқ ширкат хўжаликлари нефть омборлари ўрнида ташкил этилиб, давр талабидан келиб чиққан ҳолда қайта таъмирланмоқда. Уларга жаҳон андозаларига мос ёнилғи қуйиш-ўлчов мосламалари ўрнатилаяпти. Сиғим ва технологик қувур тармоқлари техник ҳамда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жавоб берадиган ҳолатга келтирилмоқда. Нефть базаларидаги ёнилғи заҳираси эса экиш мавсумини муваффақиятли ўтказиш учун бемалол етади.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Кеча Сенатнинг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан биргаликда "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари" мавзусида илмий-амалий конференция уюштирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатида

Ташқи сиёсат устуворликларини белгилаб олишда мамлакат миллий манфаатлари ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ушбу конференциянинг асосий ғояси бўлди. Унда сенаторлар, депутатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг, илмий-тадқиқот ва етакчи илмий муассасаларнинг олимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Конференцияни Олий Мажлис Сенатининг Раиси М. Шарифхўжаев олиб борди.

Анжуманда даставвал, Олий Мажлис Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С. Сафоевнинг, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсуновнинг, ташқи ишлар вазири биринчи ўринбосари И. Неъматовнинг, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси ўринбосари Ш. Абдуллаева ва бошқаларнинг маърузалари тингланди.

Конференция иштирокчилари мамлакатимиз мустақиллик йиллари мобайнида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаганлигини, бундай ёндашув давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг парламент палаталарининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида ташқи сиёсий фаолият соҳасида таърифлаб берилган вазифаларга қаратилганлигини эътироф этдилар. Жаҳонда Ўзбекистоннинг обрў-эътибори тобора ортиб бораётганлиги эса, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан юртимизда амалга оширилаётган демократик ва бозор ислоҳотлари, мамлакатимизнинг минтақада хавфсизликни барқарорлаштириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари изчил амалга оширилаётганлиги, ҳар тарафлама пухта ва босиқ ташқи сиёсат йўли ўтказиб келинаётганлиги натижасида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар самарасидир.

Мунозара жараёнида сўзга чиққанлар нисбатан қисқа муддат ичида мамлакатда ташқи сиёсий фаолиятнинг қонунчилик базаси яратилганлиги, бунда турли давлатлар билан тенг шериклик ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш ҳамда Ўзбекистонимизнинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимига янада интеграциялашуви йўли асосий принцип бўлиб қолаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, конференция ишида Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Мухаметшин, Деҳли университетининг профессори С. Чакраварти ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Зиёда АШУРОВА.

АКЦИЯДОР ҲУҚУҚИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Унда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни қўллаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштириш, судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш борасидаги масалаларга алоҳида тўхталиб, қонун ҳимоячилари аввало эскича қараш ва иллатлардан тўла халос бўлиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига нисбатан муносабатни тубдан ўзгартириши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Қўшма пленумда асосий эътибор ана шу талаблар ижросига қаратилди. Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида судлар томонидан олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, акциядорлик жамиятлари иштирокидаги ишлар таҳлили шуни кўрсатаяптики, судлар бу борадаги қонунларни асосан тўғри қўлламоқда. Шу билан бирга, бу тоифадаги ишларнинг мураккаблиги, корпоративлиги ва бошқа айрим ўзига хосликлари боис, соҳага оид қонун ҳужжатларининг судлар томонидан нотўғри талқин қилиниши ҳоллари ҳам учраб турибди.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш иқтисодиёт соҳасида қонунийликни мустаҳкамлашнинг асосий омилларидандир. Шу боис судлар томонидан бу борадаги қонунларнинг тўғри ва холис қўлланилиши муҳим аҳамиятга эга. Пленумда судларга шулар хусусида зарур тушунтиришлар берилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Миллий дастур ниҳоллари

Қарши туманининг Дашт қишлоғи ҳудудида 18 минг киши истиқомат қилади. Тўртта мактаб бор. Уларда 4,5 мингдан зиёд ўқувчи ўқийди. Ёнатрофдаги қишлоқлардаги мактабларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, ҳар йили 9-синфни 800 ўқувчи битиради. Уларнинг бир қисми мактабда ўқишни давом эттирса, қолганлари касб-ҳунар ўрганиш учун шаҳарга қатнаб, коллежларда ўқишга чоғланади. Вилоят марказига қатнаб ўқишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Муаммонинг ечими эса оддий. «Қишлоқда коллеж очиш керак». Булар қишлоқ фахрийлари етакчиси Юсуф бобо Шароповнинг ҳисоб-китоблари ва хулосаси. Отахон бу фикрни қишлоқ фуқаролар йиғини фаолларининг йиғилишида ўртага ташлади. Коллеж учун жой масаласида ҳам ўзининг таклифини айтди-қўйди: «Ширкат хўжалигининг маъмурий биноси».

ҚИШЛОҚ ОҒУШИДАГИ КОЛЛЕЖ

Дарҳақиқат, Чўли ота номига қўйилган ширкат хўжалиги Қашқадарё вилоятида машҳур. Идора учун қурилган бино ҳам шунга яраша ҳашаматли, ўз даврининг илғор меъморчилик анъаналарига мувофиқ лойиҳалаштирилган. Мажмуа таркибида катта клуб ва бошқа иншоотлар ҳам борки, унга катта коллежни бемалол жойлаштирса бўлади. Қишлоқнинг обрўли оқсоқолларидан Раҳмат ака Жалолов, фуқаролар йиғини раиси Ҳаловат Темирова ҳам бу таклифни қўллаб-қувватлашди. Ширкат хўжалиги раиси Жўра Майдонов ҳам мардлик қилди: «Болаларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз», деб чоғроқ бошқа бинога кўчиб ўтди. Идора биносини текинга берибгина қолмай, уни таъмирлашга маблағ ҳам ажратди. Шу йили хўжаликнинг яхшигина соф фойда олганлиги жуда асқотди. Хуллас, қишлоқда коллеж очиладиган бўлди.

Мана, орадан икки йил вақт ўтди. Бугунги кунда Қарши тумани маиший хизмат коллежи касб-ҳунар таълими тизимида ўзининг ўрнини топди. Бу ерда болалар қизиқиш билан таълим олмоқда ва кундалик турмуш учун зарур касбларни ўрганмоқдалар.

Коллеж директори Шомил Одилов касб-ҳунар таълими соҳасида катта тажриба тўплаган. У 15 йил давомида Қарши шаҳридаги 18-касб-ҳунар мактабига раҳбарлик қилди. Унинг шогирдлари вилоят ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келганлиги билим даргоҳининг тилга тушишига сабаб бўлди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти Ш. Одиловнинг раҳбарлик тажрибасини ўрганиш ва кенг оммалаштиришга тавсия этганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Ҳозир коллежда 444 талаба таҳсил олаяпти. Бу йил биринчи босқичга 125 талаба қабул қилиш режалаштирилган эди, талабгор кўп бўлганлиги боис 175 нафар ўқувчи олинди. Қишлоқнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, янги-янги касбларни ўргатиш бўйича гуруҳлар ташкил этилди.

Дарсдан ташқари машғулотлар, учрашув ва мулоқотлар, спорт мусобақалари эса ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, ҳар томонлама ривожланган, юксак эътиқодли, ахлоқий баркамол инсонлар бўлиб етишишда муҳим аҳамиятга эга.

Коллежда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Президент Ислом Каримов асарларини ўрганиш маркази, «Воҳамиз ижодкорлари» адабиёт музейи ҳамиша ўқувчилар билан гавжум. Коллежда «Қадрият чашмалари» тўгараги аъзолари фольклор намуналарини тўплашса, тарих тўгараги «изқувар лар» хонадонма-хонадон юриб қишлоқнинг тарихи, турли даврларда яшаган таниқли одамлари ҳақидаги маълумотларни йиғишаяпти. Уларнинг нияти — коллеж ҳузурида қишлоқ тарихи музейини ташкил этиш.

«Талабаларнинг бўш вақти бесамар ўтмасин, деймиз». Бу директорнинг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосари Болта Нодировнинг сўзлари. Ишга бундай ёндашув ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Коллеж талабалари «Қўшиқ байрами», «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловларининг вилоят ва республика босқичларида муваффақиятли қатнашдилар. Вилоят солиқ бошқармаси томонидан ташкил этилган «Зукко талаба» танловида ғолиб чиқиб, рангли телевизор билан тақдирланди.

Коллежда жисмоний тарбия ва спорт ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Спортнинг барча турлари бўйича секциялар ишлаб турибди.

Ҳа, Дашт қишлоғида шундай коллеж бор. Унинг жамоаси ўзининг хайрли ишлари билан кўпчиликнинг ҳурматэътиборини қозонди.

Коллеж эса қишлоқ ҳаётининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Уйғоқ вужуд — соғлиқ гарови

Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Ислом КАРИМОВ.

Ўзбекистон мустақилликка эришган йиллар давомида аҳоли соғлиғини сақлаш йўналишида салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, интенсив даволаш йўлига ўтиш, профилактик йўналишга қайтиш, тиббий таълим тизимини ислоҳ қилиш, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш, тизимни замонавий илғор техника воситалари, тиббиёт ашёлари, дори-дармон билан таъминлаш, даволаш-профилактика муассасалари мулкчилик шаклини ўзгартириш ва ҳакозолар борасида дадил қадамлар қўйилди. Миллий даромаднинг сезиларли қисми соғлиқни сақлашга ажратилди.

Халқ нақлида айтилганидек, қарс икки қўлдан чиқади. Яъни, онгли фуқаро соғлиғи ҳақида ўзи қайғурмаса, турмуш тарзини оқилона режалаштирмаса, турли-туман дардлар ҳуружини бартараф этиш учун соғлом турмуш тарзини ва маданиятини шакллантирмаса, бу ҳолда, Юртбошимиз эътироф этганидек: «...давлат, ҳокимият идоралари соғлиқни сақлаш масаласига қанчалик эътибор бермасин, аввало аҳолимизнинг, ҳар қайси одамнинг бу масала бўйича қарашини ўзгартирмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш қийин бўлади».

Хўш, саломатлик гарови бўлмиш ҳаётий фалсафани шакллантириш йўлида инсон нималарга диққат қилмоғи, қандай амалларни бажармоғи лозим. Бу саволга таниқли олим, «Мадади Сино» соғломлаштириш академиясининг раиси, Соғлиқни сақлаш аълочиси Абдукарим Усмонхўжаев қаламига мансуб «Дорисиз қалб давоси» номли китоб анча қизиқарли жавоблар беради.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида чоп этилган асарнинг номланишиданоқ унда касалликларнинг олдини олиш ёки даволашнинг қандайдир ноанъанавий йўллари ҳақида сўз бораётганлигини илғаб олиш қийин эмас.

Олтмиш бир фаслдан иборат асарни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин бўлади. Биринчи қисмда инсон руҳияти фалсафий нуқтаи назардан атрофлича таҳлил қилинади. Руҳият бўшлиқларида, яъни ботиний онгда фойдаланилмай қолаётган жуда катта имкониятлар мудроқ ҳолда ётганлиги, уларни уйғотиш ва соғлиқни тиклаш йўлида ишга солиш усуллари ишонарли тарзда ашёвий далиллар асосида баён этилади.

Китобнинг иккинчи қисмида ҳар бир одам носоғлом ҳолатдан чиқишнинг ўзига хос йўлини топишга ёрдам қиладиган тизим хусусида батафсил маълумот берилади.

Олиб борилган кўп йиллик кузатувлар муаллифни қаҳр-ғазаб, хафачилик (алам), айбдорлик ҳисси, инжиқлик ва ҳаётдан кўрқиш (ваҳима)дек бешта руҳий сабабга кўра касалга чалинади, деган хулосага олиб келган. Саноғига етиб бўлмас дардлардан фориғ бўлишнинг бирдан-бир йўли улардан қутулишга бўлган қатъий ишонч, яна бир бор ишонч ва метиндек букилмас ирода эканлиги китобнинг асосий ғоясини ташкил этади десак, муболаға бўлмайди.

Ҳар бир шахс, табиийки, мустаҳкам соғлиққа эга бўлишни орзу қилади, у тўғрида бош қотиради, тонгсаҳар уйда ёки мактаб стадионида жисмоний машқлар бажаради, югуради, имконияти бўлса сув ҳавзасига боради, тўгаракларга қатнашади. Лекин одам жамиятда ўзига муносиб ва мос келадиган ўринни тополмаган, руҳияти, дунёқараши носоғ, маънавий қашшоқ бўлса бу саъй-ҳаракатлардан унга ҳеч қандай наф етмаслиги асарда содда, равон тарзда тушунтирилган.

Китобнинг катта қисми одам танасига ҳеч нарса юбормасдан, ҳеч қандай сарф-харажат қилмасдан, вужудга мутлақо зарар етказмасдан ақлий таъсир, ақлий фаолият, ақлий хатти-ҳаракат, ақлнинг изланиш жараёни — медитация ва бўшашиш (релаксация) ёрдамида уни даволаш усуллари ҳамда тавсияларга бағишланган.

Ҳаёт тарзини тўғри ташкил қилиш, саломатликка оқилона муносабатда бўлиш, ўз-ўзини дастурлаш, ҳаёт қувончларидан баҳра олиш, тириклик онлари учун шукроналар қилиш, одамларни қадрлаш каби маслаҳатларга бой «Дорисиз қалб давоси» китобини Сиҳат-саломатлик йили давлат дастурига ҳамоҳанг асарлардан бири дейиш мумкин.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,
ЎзМУ кафедра мудири, профессор,
Худойберди ТЎХТАБОЕВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодий академиясининг Тошкент шаҳридаги филиалида йиллик Халқаро Плеханов ўқишларини ўтказиш анъанага айланиб қолган.

«Плеханов ўқишлари»

Халқаро Плеханов ўқишларининг бу йилги — XVIII анжумани Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2005 йил 28 январдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузаси асосида "Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш стратегик йўли" мавзусида бўлиб ўтди.

Анжуманда Россия, АҚШ, Туркия давлатларидан келган олимлар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққан Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ф. Мухаметшин, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Несим Тумкая жаноблари Плеханов ўқишларининг аҳамиятига алоҳида тўхталдилар.

Иштирокчилар "Халқаро иқтисодий муносабатлар ва интеграциявий алоқаларни эркинлаштириш — миллий иқтисодиёт ривожланишининг асоси сифатида", "Трансформациявий ўзгаришлар ва хўжалик юритишнинг бозор механизми" сингари бир қатор мавзулардаги маърузаларни тингладилар. Сўнгра улар бир неча секцияларга бўлиниб, кун тартибидаги мавзулар бўйича йиғилишлар ўтказдилар.

Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Президентининг "Истеъдод" жамғармаси анжуман ташкилотчилари бўлишди.

М.ХОЛМАТОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боис танлов ҳайъатига кўрик-танлов иштирокчилари орасидан ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Чунки унинг талаб ва мезонлари анча мураккаб. Хусусан, иштирокчининг молиявий-иқтисодий натижалари, иқтисодий-ҳуқуқий билим даражаси, реклама борасидаги савияси, экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарганлиги, ишлаб чиқариш ва маҳсулот турининг ранг-баранглиги, янги иш ўринлари яратганлиги, халқаро кўрик-танлов ва кўргазмаларда иштирок этгани каби ўнлаб жиҳатлар ҳисобга олинади.

Ниҳоят, нуфузли ҳайъат томонидан ғолиблар эълон қилинди. Кўрик-танловнинг "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича ғолиб Наманган шаҳридаги «МАШХИМ» масъулияти чекланган жамияти (раҳбари Хайрулла Зиябоев)га катта миқдордаги пул мукофоти, «Энг яхши фермер» бўйича ғолиб — Денов туманидаги «Баҳриддин» фермер хўжалиги (раҳбари Баҳрон Дилов) трактор билан, "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича эса марғилонлик Турғунбой Мирзааҳмедов ғолиб топилиб, катта пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, ғолиблар кўрик-танловнинг махсус дипломига ҳам сазовор бўлишди. Кўрик-танловнинг бошқа номинациялари бўйича ғолиблар ҳам мукофотлар ва лауреатлик дипломлари билан тақдирландилар.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

СУРАТЛАРДА: "ТАШАББУС — 2005" кўрик-танловидан лавҳалар.
Рашид ҒАЛИЕВ олган суратлар.

Янги шифохона

Самарқанд шаҳридаги биринчи туғуруқхона мажмуи Наврўз байрами кунларида шаҳар марказидаги янги замонавий бинога кўчиб ўтди.

Айтиш керакки, ушбу саломатлик маскани қурилганига бир асрдан ошган эски бинода эди. Ундаги шарт-шароитлар ҳам ўзига яраша бўлиб, ҳар хонага 8-10 нафардан оналар жойлаштириларди.

Эндиликда эса ҳаммаси ижобий томонга ўзгарди. "Самгеологтехсервис" акционерлик жамияти бунёдкорлари томонидан тўлиқ қайта таъмирланган мазкур бинонинг ҳар хонаси 1 -2 нафар ўринлидир. Унда гинекология, чақалоқлар, реанимация бўлимлари билан биргаликда амбулатория ҳам фаолият кўрсатади. Саломатлик мажмуаси 130 нафар она ва болага мўлжалланган. 66 нафар врач, шу жумладан, 11 нафар олий тоифали врач, жами 250 нафар шифокор оналар ва болалар хизматида.

Яна бир эътиборли томони — туғуруқ мажмуаси республика "Меҳр нури" нотижорат жамоа хайрия фонди томонидан энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Хорижий мамлакатларнинг инвестиция ва юксак технологияларини Фарғона заминига олиб келиш у ёқда турсин, ишлаб турган бир қанча саноат корхоналари, жумладан, Фарғона кимёвий толалар заводи, пойабзал фабрикаси, Фарғона туманидаги ипакчилик фабрикаси каби мамлакатимиз халқ хўжалигида муҳим ўрин тутадиган корхоналар бир неча йиллардан буён фаолият кўрсатмаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.

ИҚТИСОДИЙ НОЧОР КОРХОНАЛАР

сони нега Фарғона вилоятида ортиб бораяпти?

Ҳақиқатан ҳам, фақат ўтган йилнинг ўзида вилоятда 30 га яқин корхона саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборган бўлса, 32 та хусусий фирма банкрот, деб эълон қилинди, 21 та корхона эса иқтисодий ночор корхоналар рўйхатига киритилди.

Энг ачинарлиси, агар 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодий ночор корхоналарнинг кредиторлик қарзлари салкам 85 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, орадан бир йил ўтгач, бу кўрсаткич 85 миллиард 387 миллион сўмга етди. Уларнинг давлат бюджетидан қарзи 22 миллиард сўмни, иш ҳақларидан қарзлари эса 24,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Айниқса, яхши ниятлар билан ташкил қилинган қўшма корхоналар, хорижий инвесторлар иштирокида очилган корхоналар ҳам иқтисодий ночор корхоналар сафига қўшилиб қолаётганлиги жиддий ташвиш туғдиради. Хабарингиз бор, бундан ўн йил аввал Тошлоқдаги нотўқима материаллар корхонаси негизида «ДЭУ-Текстайл» қўшма корхонаси ишга туширилган эди. Лекин кейинги икки йил ичида бу ерда ўрнатилган йигирувчи дастгоҳлар бугунги талабга жавоб бермаслиги ошкор бўлиб қолди. Натижада корхонанинг маҳсулотларига талаб ва эҳтиёж тобора камайиб бораяпти. Тўлиқ хорижий сармоядорлар маблағи ҳисобига ташкил қилинган корхона ўтган йилни 3,5 миллиард сўм зарар кўриш билан якунлагани бунинг тасдиғидир.

«Кабул-Фарғона ЛТД» қўшма корхонаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Хўш, хомашё муаммоси деярли ҳал этилган, яъни тола вилоятнинг ўзидан сотиб олинаётган бўлса, нега корхона бундай аҳволга тушиб қолди? Нима учун бир йилда 1 миллиард 706 миллион сўм зарар кўрилди?

Мутахассислар бунинг сабабини корхонанинг собиқ раҳбарлари бозор паст-баландини яхши ўрганмаганлигида, хомашё билан маҳсулот таннархи ўртасидаги фарқ ҳисоб-китобига эътиборсизлик билан қараганлигида, деб баҳслашмоқда. Тўғри, сўнгги пайтларда тўқимачилик маҳсулотларининг дунё бозоридаги нархи анча пасайиб кетди, валюта паратетида ҳам нисбий ўзгаришлар рўй берди. Лекин ўринли савол туғилади: нега корхонанинг менежерлари, иқтисодчилари кутилаётган бу хатарнинг олдини олиш чораларини кўришмади?

Бешарикдаги «Бестекс» қўшма корхонаси, «Риштон йигирув-тўқув», «Бувайда» акционерлик жамиятларида ҳам вазият кўнгилдагидек эмас. Бу корхоналарда фойда ўрнига зарар билан ишлаш давом этмоқда.

Фарғона пойабзал фабрикаси эса бугунги кунда мустақил корхона сифатидаги фаолиятини деярли тугатди. Чунки ўтган йилнинг охирларига келиб, кредиторлик қарзлари йилдан-йилга ортиб бораётган ушбу корхона акцияларининг асосий қисмини Германиянинг жаҳонга маш — ҳур «Эвимекс» компанияси сотиб олди. «Эвимеск» — Фарғонада «Ўзсаламан» қўшма корхонасининг таъсисчиларидан бири. Шу маънода, Фарғона пойабзал корхонаси «Ўзсаламан» қўшма корхонаси таркибига қўшилиб кетди.

«Ўзсаламан» қўшма корхонаси раҳбарияти эндиликда собиқ пойабзал фабрикасини ўнглаш йўлларини ахтараяпти. Чунки корхонада ўз касбига фидойи усталарнинг мактаби яратилган, бинолар, ишлаб чиқариш цехларига хорижий сармоядорларнинг ҳам ҳаваси келади. Шунинг учун ҳам Жанубий Кореянинг пойабзал ишлаб чиқаришда жаҳонга машҳур «Хундай» фирмаси раҳбарлари бу ерга келишди. Уларга корхонанинг ёруғ, барча ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлган бинолари жуда маъқул келди. Жанубий кореялик сармоядорлар дастгоҳлар ҳамда хомашё учун 300 минг доллар миқдорида маблағ ажратиш имкониятлари борлигини билдиришди. Ўзбекистон тарафи ҳам низом жамғармасига шунча маблағ билан улуш қўшиш ҳақида келишиб олинди. Агар бу шартнома ишга тушиб кетса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Болалар спортини тарғибот қилиш ва болалар учун ишлаб чиқариладиган спорт товарлари турларини кўпайтиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш борасида ҳам муҳим амалий қадам қўйилган бўлар эди.

Фарғона туманидаги ипакчилик фабрикаси ҳақида тўхталсак, у Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маблағи ҳисобига ташкил қилинган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан, «Ўзбек ипаги» тизимидаги корхоналарга бюджет ва бюджетдан ташқари қарзларини тўлашда имтиёзлар берилган. Бу корхона эса бошқа вазирлик тизимида бўлганлиги учун бундай имтиёз олувчилар рўйхатидан тушиб қолган. Натижада сўнгги икки йил давомида 600 нафардан зиёд маҳаллий аҳоли меҳнат қилаётган корхона деярли тўхтаб қолди. Агар бирорта буюртмачи ўз маҳсулотини олиб келиб, қайта ишлаш учун буюртма бермаса, корхонанинг қайта ишлаш учун хомашёси йўқ.

Яна бир муҳим иллат шуки, корхонада раҳбарлар қўнимсизлиғига ҳамон барҳам берилмаяпти. Сўнгги ўн йил ичида ўндан зиёд директор алмашгани бунга мисол бўла олади. Яқинда фабрикага янги раҳбар тайинланибди. Энди Фарғона туманидаги ягона ҳисобланган бу ишлаб чиқариш корхонасидаги ижобий силжишлар унинг тажрибаси ва салоҳиятига боғлиқ.

Маълумки, ўзбек автомобилларига шиналарни ўзимизда ишлаб чиқариш учун бундан 9 йил аввал Фарғона кимёвий толалар заводи қошида «Полиамид-6» корхонаси фойдаланишга топширилганди. Дунёдаги энг ноёб жиҳозлар, ускуналар, дастгоҳлар ўрнатилган корхонада пишиқ шина кортлари, яъни иплар ишлаб чиқарилиши режалаштирилган эди. Шу мақсадда Германиянинг компанияси билан ҳамкорликда корхонага 100 миллион марка сарфланган.

Ҳозирда кимёвий толалар корхонасининг қарзи 10 миллиард сўмдан ортиб кетган экан, бундай шароитда ана шу иқтисодий ночор корхонанинг оёққа туриб кетишига ким кафолат бера олади?

Биз мамлакатимизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи бўлган бир вилоятнинг айрим манзараларига назар ташладик, холос. Агар Фарғонада ушбу соҳадаги аҳволга жиддий эътибор билан қаралмаса, иллат ортиб, касаллик маддалаб бораверади. Бу билан эса ҳеч қачон муроса қилиб бўлмайди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

БАҲОР БАЙРАМИ — НАВРЎЗ АРАФАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

жисмоний шахсларга омонатларнинг қуйидаги янги турларини таклиф этади:

"ЁШЛИК" (сақлаш муддати — 1 йил) йилига **27,2%**

- 18 дан 35 ёшгача бўлган шахслар номига очилади;
- ойлик бадаллар мунтазам равишда келиб тушган тақдирда омонат муддати тугаганидан сўнг мукофот ҳисоблаб ёзилади;

дастлабки бадал	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
кейинги ойлик бадаллар	50 000 сўм	100 000 сўм	150 000 сўм
мукофотни ҳисоблаб ёзиш	10 000 сўм	20 000 сўм	30 000 сўм

"ОМОНЛИК" (сақлаш муддати — 6 ой) йилига **30,4%**

- дастлабки бадал суммаси 50 000 сўм
- ҳисобварақ очилаётган пайтда фоизларни олдиндан олиш мумкин

шунингдек, қуйидаги омонатларга пул маблағларини қабул қилиш давом эттирилмоқда:

"ТАЪТИЛ" (сақлаш муддати — 3 ой) — йилига 28,8%
"КЕЛАЖАК" (сақлаш муддати — 5 йил) — йилига 32%
"СХМ КАРТОЧКАСИ" (талаб қилиб олингунча) — йилига 24%
(2005 йил 20.04дан бошлаб омонат бўйича — йилига 16%), талаб қилиб олинмаган фоизлар капиталлаштирилади.

Ўз омонатларини бошқаришни бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

NBU
www.nbu.com

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

"ЗАМИН" ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ИПОТЕКА БАНКНИНГ

ОМОНАТ ТУРЛАРИ

	Омонат тури	Омонат номи	Муддати	Фоиз ставкаси (йиллик фоиз)	Изоҳ
1.	Талаб қилиб олингунча омонат			10%	1000 сўмдан юқори
2.	Жамғарма омонат	"Авто"	1 йилдан 3 йилгача	10%	Олинадиган автомобилни 50% миқдорида
3.	Жамғарма омонат	"Ипотека"	1 йилдан 3 йилгача	18%	Капитализация ҳисобидан 1000 сўмдан юқори
			3 йилдан 5 йилгача	20%	
			5 йилдан узоқ муддатга	22%	
4.	Жамғарма омонат	"Нуроний"	1 ойдан 12 ойгача	22%	100 000 сўм
				24%	200 000 сўм
				26%	240 000 сўм
5.	Муддатли омонат	"Замин"	3 ойлик	20%	1000 сўмдан юқори
			6 ойлик	24%	
			12 ойлик	26%	
6.	Муддатли омонат	"Оптима"	1 йилгача	18%	"Олдиндан фоиз тўлаш" 100 000 сўмдан юқори
7.	Муддатли омонат	"Эгасига тақдим этилувчи"	3 ойга	24%	100 000 сўмдан юқори

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН

автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ

сотади:

ROSAVA · DNEPROSHINA ДНЕПРОШИНА · ИСТОК · Омскшина · АШЗ · Волтаир · УРАЛШИНА

«РОСАВА» ЁАЖ, Украина, Белая Церковь ш.;
«Днепрошина» ОАЖ, Украина, Днепропетровск ш.;
«Омскшина» ОАЖ, Россия, Омск ш.;
«Уралшина» ОАЖ, Россия, Екатеринбург ш..

ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН,
ЕНГИЛ ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ОҒИР ЮК ТАШУВЧИ МАШИНАЛАР УЧУН,
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ УЧУН

Тел.: (99871) 137-10-61, 137-20-76, 137-20-84, 334-64-21.

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтирилади.

Шунингдек, «ИСточник ТОка Курский» аккумулятор заводининг «Исток» аккумуляторлари (Россия, Курск шаҳри).

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., Дўстлик шоҳкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., Мирпўстин к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Данғара ш., Тошкент к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси томонидан «Ўз-Эллас» қўшма корхонасига берилган 6-29/2000 реестр рақамли бино кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Акциядорлар диққатига!

«O`zbekenergota'mir» ОАЖ

акциядорларининг 2004 йил якуни бўйича йиллик умумий йиғилиши 2005 йил 27 апрель соат 11.00 да жамият маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 8-уй. Рўйхатдан ўтказиш соат 9.30 да бошланади. Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2005 йил 24 март ҳолати бўйича ёпилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. ОАЖ кузатув кенгаши раисининг 2004 йил давомида кенгаш фаолияти ҳақидаги ахбороти.
2. ОАЖ директорининг 2004 йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича йиллик ҳисоботи.
3. Жамият йиллик баланси, молиявий натижалари, аудитор ва тафтиш комиссияси хулосаларини тасдиқлаш.
4. Жамият уставига киритиладиган ўзгаришни тасдиқлаш, акциядорларга тўланадиган дивиденд миқдорини 20 фоиздан 40 фоизга кўтариш. 2004 йил хўжалик фаолияти бўйича соф фойдани тақсимлаш. Акцияларга тўланадиган дивиденд миқдорини тасдиқлаш.
5. Жамият директори фаолиятига баҳо бериш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш ҳақида қарор қабул қилиш.
6. Жамият бошқарув органлари ходимларини моддий рағбатлантириш тўғрисида.
7. 2005 йил учун ижро органининг бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. 2005 йил учун аудиторлик фирмасини тасдиқлаш ва хизматларига ҳақ тўлашни белгилаш.
9. Жамият устав фондини тугалланмаган қурилиш — индустриал ишлаб чиқариш комплексини қабул қилиш ҳисобига кўпайтириш.
10. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Акциядорларда шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларида ишончнома бўлиши шарт. Йиғилишни тайёрлаш бўйича ахборот ва унда кўриладиган ҳужжатлар билан жамият биносида, 310-хонада танишиш мумкин. Мулоқот учун телефон: 135-22-19.

Кузатув кенгаши.

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Устав фонди — *438050 минг сўм.*
Акциялар сони — *43805 дона,*
бундан:
— *оддий эгаси ёзилган — 39425 дона;*
— *имтиёзли эгаси ёзилган — 4380 дона.*
Акциянинг номинал қиймати — *10.0 минг сўм.*
Барча акциялар жойлаштирилган.

2005 ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА ЙИЛЛИК БАЛАНС

№	Номи	(минг сўм)	№	Номи	(минг сўм)
	Актив			**Пассив**	
I	**Узоқ муддатли активлар**		III	**Ўз маблағлари манбалари**	
1.	Қолдиқ қиймати, асосий воситалар	337712	1.	Устав капитали	438050
2.	Номоддий активлар	7163	2.	Резерв капитали	65708
3.	Узоқ муддатли инвестициялар	6206	3.	Тақсимланмаган фойда	410163
	I бўлим бўйича жами	**351081**	4.	Мақсадли тушумлар	133013
II	**Жорий активлар**			**III бўлим бўйича жами**	**1046934**
1.	Ишлаб чиқариш заҳиралари	516006	IV	**Мажбуриятлар**	
2.	Келгуси давр харажатлари	11486	1.	Кредиторлар	617050
3.	Пул маблағлари, жами	150828	2.	Олинган бўнаклар	—
4.	Дебиторлар	634583		**IV бўлим бўйича жами**	**617050**
	II бўлим бўйича жами	**1312903**			
	БАЛАНС	**1663984**		**БАЛАНС**	**1663984**

2004 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

Т/р	Номи	минг сўм
1.	Маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан соф тушум	5047731
2.	Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	3576303
3.	Давр харажатлари, жами	1021010
4.	Умумхўжалик фаолияти фойдаси	503773
5.	Даромад солиғи, бошқа солиқлар ва йиғимлар	249986
6.	Ҳисобот даврининг соф фойдаси	253787

Баланс кўрсаткичлари ҳақиқийлиги 2001 йил 20 июнда берилган № 00089-сонли лицензияга эга бўлган «AUDIT STANDART» аудиторлик фирмаси томонидан текширилган ва 2005 йил 18 февралда тасдиқланган.

МУҲИМ ФАКТ (ВОҚЕА, ҲАРАКАТ) ҲАҚИДА АХБОРОТ

Тартиб рақами — 07

«O'zbekenergota'mir» ОАЖ кузатув кенгаши томонидан жамиятнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхатини тузиш қарори қабул қилинган сана — 2005 йил 23 март.

Жамиятнинг йиллик умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати тузилган сана — 2005 йил 24 март.

Ташкилотлар ва фирмалар раҳбарлари диққатига !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ

республикада мавжуд бўлган болалар спорт мажмуаларини спорт ускуналари билан таъминлаш мақсадида очиқ тендер савдолари эълон қилади.

Тендер савдоларини ўтказиш бўйича ишчи орган сифатида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги қошидаги «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги белгиланган.

Тендер савдоларида тажрибага эга бўлган спорт мосламалари ишлаб чиқарувчи ва ёки таъминловчи маҳаллий ва хорижий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Тендер савдоларида қуйидаги шартларга жавоб бермайдиган ташкилотлар иштирок эта олмайдилар:
- *қайта тузилиш, бекор қилиниш ва банкрот ҳолатларида турган;*
- *квалификацион саралаш учун ҳамма керакли ҳужжатларни белгиланган вақтда келтирмаган;*
- *илгари тузилган шартномалар юзасидан ўз мажбуриятларини талаб даражасида бажармаган;*
- *тендер эълон қилингунга қадар тузилганига 6 ой тўлмаган;*
- *буюртмачи билан судланиш ёки арбитраж кўриб чиқиш ҳолатидагилар;*
- *тижорат ва молиявий кўрсаткичлари тендер комиссияси талабларига жавоб бермайдиган.*

Тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги муддати — 2005 йил 2 май Тошкент вақти билан соат 15.00 гача.

Тендер савдолари ўтказиш тартиби бўйича қўшимча маълумотларни олиш учун даъвогарлар ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача тендер таклифларини қабул қилишнинг охирги кунига қадар «Ўзбектендерконсалтинг» агентлиги жойлашган қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй. Тел.: 68-75-10, 68-25-51, 138-53-42. Факс: 68-75-96.

O'ZLOTTO KUNDALIK

кетма-кет тўғри топилган сонлар миқдори	Ютуқ (сўм)	21.03.05	22.03.05	23.03.05	24.03.05	25.03.05	26.03.05
	тушган рақамлар		5 3 3 7	9 6 5 9	3 6 3 7	7 5 8 2	7 5 8 2
		Ютуқли ставкалар сони					
4	200 000		2	1	2	2	7
3	2 000		87	40	49	78	69
2	200		1 038	772	847	848	996
1*	100		2 791	2 327	2 595	2 307	2 743

* биринчи ёки тўртинчи устунлардаги тўғри топилган сонлар

28-тиражининг ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/30
Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 23 март
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 26 7 21 12 16 28

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топилган	31 966 424 + Matiz	0	0
5та тўғри топилган	159 360	2	79 680
4та тўғри топилган	239 040	129	1 853
3та тўғри топилган	398 400	1 495	266

29-тиражининг ҲИСОБОТИ
Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 26 март
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 2 10 14 26 4 13

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топилган	33 311 160 + Matiz	0	0
5та тўғри топилган	179 251	3	59 750
4та тўғри топилган	268 876	134	2 006
3та тўғри топилган	448 128	1 690	265

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 30 март куни ўтказилди

26-тиражининг ҲИСОБОТИ — O'ZLOTTO 6/35
Тираж ўтказилган сана: 2005 йил 26 март
Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: 17 21 20 34 32 18

Ўйналган ютуқлар:

Ютуқ категорияси	Ютуқ фонди (сўм)	Ютуқлар сони	Бир ставка ютуғи (сўм)
6та тўғри топилган	174 949 085 + Lacetti	0	0
5та тўғри топилган	733 741	3	244 580
4та тўғри топилган	1 008 894	140	7 206
3та тўғри топилган	1 008 894	2 497	404

Лотереянинг кейинги тиражи 2005 йил 2 апрель куни ўтказилади

Тўкин ҳаёт сари!

Лицензия №000001

Тошкент ш., Нисбаев йўли к., 24 Тел.: 136-70-69

«Жаҳон адабиёти» журнали жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, Ўзбекистон халқ шоири
Рауф ПАРФИнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ойи жамияти Миллий Кенгаши Қашқадарё вилояти бўлими раиси Ш. П. Аминовга фарзанди
ИБРОҲИМнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон радиоси жамоаси шу жамоада кўп йиллар самарали меҳнат қилган, нафақадаги радиожурналист Хайриддин Муқимовга рафиқаси
Раъно АКРОМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Телекўрсатув маркази жамоаси РТМда кўп йиллар мобайнида ишлаган
Рустам Аҳмеджанович ЗОКИРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи жамоаси коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи ўринбосари Ёркул Алимқуловга волидаи муҳтарамаси
БУЙРОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1 апрель — кулги куни

ЮЛДУЗЛАРГА ИШОНИНГ...

Қўй (21 март — 20 апрель). Бугун айнан сизнинг кунингиз. Ҳатто «учиб» келаётган автомашина олдидан бемалол кесиб ўтишингиз, раҳбарингизга гап қайтаришингиз мумкин.

Бузоқ (21 апрель — 21 май). Ҳушёр бўлинг: «Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши» мақоли бугун амалда бўлади. Ушбу бурж остида туғилганлар бугун камида ўн марта ўзаро урушиб-ярашиб, гина-кудуратларни кўтариб оладилар. Юлдузлар огоҳлантирадилар: эр-хотинлар қўл кўтаришгача етиб бормасликлари лозим.

Эгизаклар (22 май — 21 июнь). Кўпдан бери ушалмай юрган орзуларингиз рўёбга чиқади. Фурсатдан фойдаланиб, банкдан қарз олиб, автомашина сотиб олишга имконият яратилади. Бугун ҳатто машинанинг рангини танлашга «қуруғи»дан талаб этилмайди.

Қисқичбақа (22 июнь — 21 июль). Соғ танда — соғлом ақл, деганларидек, бу бурж вакилларига саҳар туриб бадантарбия қилиш, пешинга яқин сузиш билан шуғулланиш, кечқурун футбол ўйнаш тавсия этилади. Кун бўйи овқат емасдан тавсияларга амал қилинса, эртасига ўзингизни отдек ҳис этасиз.

Арслон (22 июль — 21 август). Сизга билдирилган танбеҳларнинг охири кўринмайди: нега ундай қилмаяпсан, нега сигаретани бензин яқинида чекаяпсан ва ҳоказо. Сиз уларга эътибор берманг. Мабодо бензин идиши портласа, парво қилманг, ёнида яна биттаси бор.

Паризод (22 август — 21 сентябрь). Пари рухсорни севиб қолганлар учун омадли кун. Севгилингизнинг расмини уйингизнинг тўрига осиб қўйинг. Расмга тикилиб, унга ҳар қанча севги изҳор қилишга имкон бор.

Тарози (22 сентябрь — 21 октябрь). Бугун асло кўчага чиқмаганингиз маъқул. Яхшиси, уйда бўлиб, телевизор томоша қилиб ўтиринг, фойдасини кейин биласиз.

Чаён (22 октябрь — 21 ноябрь). Компьютерингизга вирус тушиши эҳтимоли бор. Ана шундай пайтда мониторни бир-икки марта силтаб қўйсангиз, вирус тушиб кетади.

Ўқотар (22 октябрь — 21 ноябрь). Бугун солиқчилардан қочиб бўлмайди. Айниқса, тадбиркорларга оғир кун бўлади, катта харажатга тушадилар. Тайёргарлик кўриб қўйинг. Солиқларни вақтида тўлаб юрганларга бу тааллуқли эмас.

Тоғ эчкиси (22 декабрь — 21 январь). Уй ҳайвонларидан нари юринг, уларга озор бера кўрманг, оқибати яхши бўлмайди. Бугун ҳатто, иложи бўлса, гўшт истеъмол қилмаганингиз маъқул.

Қовға (22 январь — 21 февраль). Соч-соқол олдиришга урининг ўтирманг. Чунки бугун сартарошлар мижоз айтганининг тескарисини бажаришади.

Балиқ (22 февраль — 21 март). Ижодкорлар мўмай даромадни қўлга киритишлари мумкин. Сарф-лашда эса машина, катта ҳовлили уй, дарё бўйидан дала ҳовли сотиб олишга эътибор қилинг. Дарвоқе, бу кўчмас мулкни шу бугуннинг ўзида расмийлаштириб олиш керак бўлади.

Юлдузлар «маслаҳатини» Аброр ХОН ёзиб олди.

Дилдаги гаплар

Мутахассисларнинг фикрича, бир марта мириқиб хандон отган кишининг нафақат кайфияти кўтарилади, балки асаблари ҳам дам оларкан. Аммо кулги билан кулгининг фарқи катта бўлганидек, кулдиришнинг ҳам йўллари кўп. «Ҳандалак» тележурнали муаллифи Ортиқ СУЛТОНОВ билан суҳбатимиз қизиқчининг эл олдида СЎЗ айтиш масъулияти ҳақида бўлди.



Кулдириш учун ҳам билим керак

— Келинг, мулоқотимизни мухлисларингиз орасида юрган гапдан бошласак. Яъни, "Ҳандалак"чилар нега камнамо?

— Одамларда бундай фикр пайдо бўлишининг бир нечта сабаблари бор. Аввало, "Ҳандалак" одатдагидек ойда бир марта бериб борилаяпти. Кўрсатув эфирга кетишидан олдин бериладиган "анонс"дан воз кечдик. Фақат "Ҳандалак плюс" (Кулги ҳафталиги) кўрсатуви эфирга чиқмаяпти.

— Нима учун қилинмаяпти?

— Бўлар-бўлмас нарсалар билан чиқиш яхши эмас. Буни баъзи бошқа кўрсатувлар тажрибасидан кўриш мумкин. Қолаверса, томошабин кўрадиган 20 дақиқалик кўрсатувимизни тайёрлаш учун ойлаб китоб варақлаш, сценарийни томошабинга маъқул келиши учун тинимсиз изланиш керак.

— Шундайку-я, лекин "Ҳандалак" чиқавермагач, мухлислар бошқа гуруҳларга ихлос қўйишларидан чўчимайсизларми?

— Йўқ! Биласизми, ҳақиқий мухлис кўп чиқасизми, камми, сиздан юз ўгирмайди. Яна бир гап. Кейинги пайтларда қизиқчилар рақобат ҳақида тушуниб-тушунмай сўз юритишмоқда. Қизиқ, "рақобат" деганда улар нимани назарда тутишади. Умуман олганда, рақобат ҳақида шунчаки гапирамизу, уни кенг таҳлил қилмаймиз. Қайси мактабнинг ўқувчилари ўқишга кўп киради, деб мактабда рақобат бўлиши мумкин. Спортда ҳам бўлиши мумкин. Санъатда эса бунинг меъёрини белгилаш қийин, менинг назаримда. Рақобатда ким ғолиб? Мухлиси кўпми ё қўшиғи кўпми?.. Ёки ким кўпроқ чиқиш қилсами?.. Ҳар бир ижодкорнинг савиясига қараб ўз мухлиси бор.

— Санъаткорлар ҳақида миш-мишлар ҳам кўп бўлади.

— Тўғри айтасиз. Мен миш-мишларни бекорчиликдан, баъзан ҳасад ё кўролмасликдан, деб биламан. Ўзингиз айтинг, қайси санъаткор ҳақида қандай ижобий миш-миш тарқалган. Масалан, Европада бирор киши ҳақида миш-миш тарқалса, у гап ўз ҳолича тарқалади. Бизда эса бундай миш-мишлар бир жойдан иккинчи жойга «бойиб», «семириб» етиб боради.

— Кўпчилик одатда пойтахтга интилади. Сизнингча, пойтахт ҳаммани кучоқ очиб кутиб оладими?

— Йўқ, албатта! Зокир иккаламиз бу ерда осон жойлашганимиз йўқ. Вилоятда ишлардик. Турли тадбирларда, тўйларда, ҳар хил катта-кичик йиғинларда қатнашиб юрсак-да, бундан қониқмасдик. Шу боис пойтахтга интилишни бошладик. Бу интилиш узоқ давом этди. Оладиган маошимиз тайинли нарсага етмасди. Шу боис турли тадбирлардан пул ўрнига бериладиган картошка, сабзи маҳсулотларини сотиб, тушган пулга Тошкент — Самарқанд йўлининг чангини чиқарардик.

Дастлаб "Муштум" журнали таҳририятига бордик. Бу ерда бизга таҳририят ходимлари яхши маслаҳат беришди: "Кўпроқ ўқиш керак. Ҳозир эса ўтириб "Муштум"нинг шу пайтгача чиққан барча сонларини ўқишга киришинглар". Мана шу даъватдан сўнг биз мутолаага янада кўпроқ берилдик. Журналнинг тахламларини кўздан кечириб, жуда кўп нарсага эришдик.

— Кейинги пайтларда кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди. Гуруҳлар кўпайган сари бачканалик ҳам тарвақайлаяпти. Бунинг сабаби нимада?

— Фикримча, илмсизлик, изланмаслик, юзакичиликда. Олимлар инсоннинг шаклланиш жараёни ҳақида тадқиқот ўтказишибди. Бунга кўра, инсонда 13 ёшдан 33 ёшгача шаклланиш жараёни давом этаркан. Техник техникани ўрганади, тикувчи ўз устида ишлайди. Ижодкор эса мана шу ёшгача қанча кўп китоб ўқиса ўзи ҳам, фикри ҳам шунчалик шаклланаркан. Ва айтадиган гапида ҳам, қиладиган ишида ҳам тайин бўларкан. Демак, кўринадики, илмда гап кўп. Шунинг учун мен кўпроқ изланишни биринчи ўринга қўяман.

— Яқинда Наврўз байрамини нишонладик...

— Баҳор фасли байрамларга бой. Дастлаб оналаримизни 8 март билан табрикладик, яқинда эса Наврўз кириб келди. Унинг нафаси ҳали-ҳамон жойларда катта хурсандчилик билан нишонланаяпти. Айни кунда кулги байрамини нишонлаяпмиз. Бу кун йилларга татисин.

Кулги — инсон умрининг зийнати. Соғлом одам маза қилиб кулади ва бошқаларга ҳам яхши кайфият тилайди. Қизиқчиларимиз бу байрамга муносиб совға билан тайёрланишган. Томошабинлар экран орқали бу чиқишлардан баҳраманд бўлишади. Демак, кулиб юриш саодати ҳаммамизга ҳамроҳ бўлсин.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ суҳбатлашди.

Бир кунлик хабарлар

Шифохонада шундай эълон пайдо бўлди:

"Беморларнинг ошна-оғайнилари, ака-укалари, ота-оналари томонидан четдан дори-дармон олиб келиш қатъиян тақиқланади. Ҳамма нарса шифохона маъмурияти томонидан таъминланади".

Шу куни беморлар дори-дармонни шифокорларнинг ўзларидан сотиб олишди.

***

Бозор қассоблари ажойиб бир ташаббус билан чиқишди:

— Шу бугун имонимизни гўштга қўшиб сотмаймиз, тарозидан урмаймиз! — дейишиб, ўзларининг бир кило деб ишлатадиган, аслида 750-800 граммлик тошларини четга суриб қўйишди.

Ҳиммати биланд қассоблар сўзларида туришди: гўшт сотишмади.

***

Ўзларини "юлдуз" деб билувчи бир гуруҳ хонандалар маза-матрасиз, мусиқаси хориждан ўғриланган қўшиқлар ижро этишаётганини тан олишди ва умуман қўшиқ айтмасликка қасам ичишиб, бошқа ишнинг бошини тутишга сўз беришди.

— Эртага — Худо пошшо! — дейишди яна улар.

***

«Ўзбекистон терма жамоаси жаҳон чемпионатига йўл олиб, Франция, Италия, Голландия терма жамоаларини доғда қолдирди. Финалда эса, Германия жамоасига рўбарў бўлишди ва майдон эгаларини 5:0 ҳисобида мағлуб этишди".

Илоҳим, тушингиз ўнгидан келсин, Зиёдулла.

Саид.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

Тувакгуллар

Тувакдаги гуллар деразадан оддий гулларни кўриб қолишди.

— Вой, анувларни қара, тувакгуллар ниҳоятда ёмонсиз, қандай ўсишаркин, а? — деди шунда зарпечаксимон нозик-ниҳол гул шеригига.

Тувакгуллар Ер — замин борлигидан бехабар эдилар.

Қаватлар ва зиналар

— Биз баландмиз, — дейишди Қаватлар.

— Қаерда бўлманглар, биз етиб борамиз, — Зиналар жавоб қилишди.

Номозшомгул ва Қуёш

— Номозшомгул, нега кундузи юзингни ёпиб оласан, нима, Қуёш сенга ёқмайдими? — деб суриштириб қолди Кунгабоқар.

— Нега ёқмас экан? — деди Номозшомгул енгил титраб. — Мен уни... Мен уни шунчалар севаманки, юзига тик қаролмайман-да...

Қора қозон ва чинни косалар

— Во-ей, мунчаям қоп-қора бўлмасангиз, — дейишди токчада таманно билан терилиб турган Чинни косалар Қозонга. — Ўзингизга мундай қарасангиз, бўлмайдими, олдингизга боргани уяламиз, ҳаммаёғингиз қурум-а!

Ўзи билан ўзи бўлиб, куйиб-пишиб ётган Қозон индамади. Бироздан сўнг ундаги таом тайёр бўлгач, Чинни косалар бирин-кетин унинг ҳузурига келиб тизилишди.

Капалак билан Тошбақа

— Вой бечора-ей, атиги бир баҳоргина умр кўраркансан-да, а? — деди Тошбақа бир куни Капалакка.

— Дашту саҳрода бемақсад, бемаъно юз йил санқигандан кўра, бир гулнинг жамолига бир бора тўйиб ўтган афзал, — деди унга Капалак.

Шер ва Сичқонлар

Жониворлар бир куни Шерга: «Сичқонлардан дод, тўқайни босиб кетишди, ҳаммаёқни кемириб ташлашяпти», деб шикоят қилишди. Шунда Шер:

— Шахсан ўзим бориб сичқонларнинг адабини бериб қўяман, — деб ваъда берди. Лекин у тўқайни қанча тит-пит қилмасин, бирорта ҳам сичқонни тута олмади.

— Ахир, филни бемалол тутардим-ку? — деб ҳайрон бўлди Шер.

— Ҳа, ҳар ишнинг ўз йўриғи бўлади, — дейишди унга.

Ҳамма ишда калла керак

— Мен ҳам гугуртман, — деб қолди қаторда турган Гугурт донаси.

Уни ишлатиб кўришди. Ёнмади. Қарашса, бошсиз экан...

«Маслакдош»лар

— Салом, қариндош! — деди Илон Сигаретани кўриб.

— Нега мен сенга қариндош бўлар эканман? — деди Сигарета тутун қайтариб.

— И-е, билмайсанми, ахир иккаламизнинг ҳам ишимиз заҳар солиш-ку? — деди Илон жилпанглаб.

— Э-ҳа, — деди Сигарета ўйга чўмиб, — шунинг учун менинг бошимни ҳам ерга эзғилашар эканлар-да...

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Кўргазма

Хизматда рассомлар

Республикамизда ижод қилаётган карикатурачи рассомлар ҳар йили 1 апрель — кулги кунини ўз ижод намуналари кўргазмасини намойиш қилиш билан кутиб олишга одатланишган. Бу йил ҳам улар ўзларининг энг сара асарлари кўргазмасини Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида очишди. Кўргазмадан Радик Азизов, Вячеслав Муромцев, Маҳмуд Эшонқулов, Осимхон Восихонов, Абдурасул Ҳакимов, Рифкат Азизхонов сингари иқтидорли рассомларнинг 100 дан ортиқ асарлари ўрин олган.

— Тўғрисини айтсам, илгари расмни қўйинг, хорижга икки энли мактуб ҳам чиқаролмасдик, — дейди кўргазма ташкилотчиси, таниқли рассом Хусан Содиқов. — Истиқлол бизлар учун ҳам катта имкониятлар эшигини очди: қайси бир давлатда танлов ўтказилмасин, ҳаммасида бемалол қатнашаяпмиз. Ўзбекистон, ўзбек деган номларни жаҳон минбарларида кўпроқ жаранглашига, озми-кўпми ҳиссамизни қўшаяпмиз. Нокамтарлик бўлса-да, айтаман: ҳозирги кунда юртимиз карикатурачиларини кўплаб мамакатларнинг санъат мухлислари яхши билишади. Бунга рассомларимизнинг Япония, Хитой, Бельгия, Италияда ўтказилган нуфузли танловларда қатнашиб бош соврин — олтин медалларни қўлга киритишгани, Туркия, Хитой, Жанубий Корея давлатлари эса, бронза медаллари, қимматбаҳо совринларга эга бўлишгани сабаб бўлса керак.

Бугунги намойишдан асосий мақсадимиз битта — ана шу, дунё санъати мухлислари эътироф этган ижод намуналарига халқимизни ошно этиш, уларнинг байрамона кайфиятларини янада кўтариш.



Қарс икки қўлдан ...

— Суратим ўзимга ўхшамабди-ку, — деди мижоз рассомга.

— Сизга ўхшатишга жуда кўп ҳаракат қилдим. Сизам энди суратга ўхшашга ҳаракат қилинг-да, қарс икки қўлдан чиқади, — жавоб қилди рассом.

НЕГА МЕНГА АЙТМАГАНСИЗ?

Бошқармага янги раҳбар тайинланган куни тушликка яқин ҳаммамизни йиғиб:

— Диёров бошқармамизга раҳбар бўлиб келдилар, — деди директоримиз Зиёев янгиликдан бизларни хабардор қиларканлар. — Талковий кадр дейишяпти....

— Яқинда оталари қазо қилган эди. Мен у кишини танийман, — деди ишлаб чиқариш бўлими мудири Садир ака кутилмаганда.

— Қачон? — деди Зиёев ранги ўзгариб.

— Ўтган куни «қирқ»ига ош беришди.

— Нега менга айтмагансиз?

— Айтганимда, ўликни тирилтириб берармидингиз?

— А, йўқ, ошга бориб, кўнгил сўрармидик?

— Бизга яқинлик томонлари бор, кўнгироқ қилиб кўнгил сўраганман.

— Корхонамиз номиданми?

— Йўқ, шунчаки ўзим, яқинлигимиз ҳурмати...

— Нега менга айтмагансиз?

— Айтганман, лекин эътибор бермагансиз.

— Наҳотки? Наҳотки! Шундай одамнинг отаси ўлади-ю, мен эътибор бермасам?

— Оталари тўқсондан ошган, устига анчадан бери ётган эдилар. Бирданига «пақ» этиб...

— Анчадан бери ётганмидилар? Нега менга айтмагансиз?

— У пайти Диёровни танимасдингиз.

— Танимасдингиз, деманг! Шундай одамни танимаслик уят-ку! Начора отахоннинг тўйлари экан, биз ҳам шу ёшларга етиб юрайлик... А, оналари ҳаётми?

— Ҳаёт.

— Унда онахонни зиёрат қилиш керак. Тўқсонга яқинлашган бўлсалар керак?

— Тўйлари бўлмаган ҳали.

— Табаррук эканлар... Тезда ҳисоб бўлими пул ажратсин. Уч-тўртта бўлиб зиёрат қилиб келамиз — савоб. Шундай ўғилни туғиб берганлари учун қанча қилсак кам. Демак, оналари тўчни ҳаёт-а?

— Агар мен билган Диёров бўлсалар, оналари ҳаёт. Бошқа Диёровни билмадим энди.

— Довур Диёров-да!

— Йўқ, мен айтаётган Собир Диёров.

— Шундай демайсизми? — деди Зиёев қўл силтаб. — Одамниям чалғитасиз-эй! Бу кишини танийман-у, оталариям, оналариям ҳаёт. Ака-укаларини биламан...

— Бўлиши мумкин.

— Э, тўхтанг, мабодо, булар ака-ука эмасми?

— Билмадим.

— Унда шуни билиб, кейин менга айтасиз. Сизга жавоб, шу иш билан шуғулланинг! — деди Зиёев ва «шундай қилиб», дея гапини давом эттирди.

Илҳом ЗОЙИР.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 361. 28631 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.41 123456